

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.S.01.08 -РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

АМОНОВ БАХТИЁР АХТАМОВИЧ

**ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНЦЕПТУАЛ
МОДЕЛЛАРИНИНГ СИЁСИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**23.00.01 – Сиёсат назарияси ва фалсафаси.
Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации (DSc) доктора наук

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Амонов Бахтиёр Ахтамович

Жамиятни модернизациялаш концептуал моделларининг сиёсий-фалсафий таҳлили.....	3
---	---

Амонов Бахтиёр Ахтамович

Политико-философский анализ концептуальных моделей модернизации общества	31
---	----

Amonov Bakhtiyor Axtamovich

Political and philosophical analysis of conceptual models of society modernization	59
---	----

Эълон қилингани ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works	63
-------------------------------	----

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.S.01.08 -РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

АМОНОВ БАХТИЁР АХТАМОВИЧ

**ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНЦЕПТУАЛ
МОДЕЛЛАРИНИНГ СИЁСИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**23.00.01 – Сиёсат назарияси ва фалсафаси.
Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БҮЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Ss 28-ракам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-sf.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Отамуратов Садулла Отамуратович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғойбназаров Шухрат Ғойбназарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Қодиров Анвар Қаххорович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиров Улугбек Юсупович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жizzax давлат педагогика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 29.08.2017. S.01.08-ракамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «5 XII» куни соат 14 даги мажлисисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йи. Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-кават, 511 хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nau.edu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация бидан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (12 ракам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йи. Бош бино). Тел: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2019 йил «20 XI» куни тарқатилди.
(2019 йил «10 XI» даги 12 раками реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи
ицмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Д.Аскarov

Илмий даражалар берувчи
ицмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD), доцент

Б.Т.Тўйичев

Илмий даражалар берувчи
ицмий кенгаш кошидаги
ицмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср инсоният ҳаётига глобал экологик муаммолар, мислсиз технократик тараққиёт, ядроий хавф-хатар, Шарқ ва Ғарбнинг сиёсий, диний, маданий соҳаларидаги кизгин баҳслари билан кириб келди. Цивилизацион ривожланиш натижасида юзага келган бундай вазиятда инсоният олдида жамият сиёсий тизимини модернизациялаш концептуал моделларини ишлаб чиқиши масаласи долзарб бўлиб турибди. Демократик давлат ва фукаролик жамияти шаклланадиган, бозор муносабатларига ўтилаётган бир даврда, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириш, жамоатчилик назорати тизимини ташкил этиш усусларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу боис, ўтиш даврида сиёсий модернизациянинг таркиби тузилмалари, тамойиллари, мезонлари, концепция ва моделлари шаклланишини, уларнинг фукаролик жамияти ривожидаги аҳамиятини ўрганиш ҳамда бу жараённинг такомиллашувини таъминлаш борасида таклиф ва тавсияларни илгари суринши давр такозо этмоқда.

Дунёда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда глобаллашув ва модернизациялаш жараёни шиддат билан кечайтган бугунги кунда миллий тараққиёт моделлари асосида жамиятни ижтимоий-сиёсий ривожланиш тизимини модернизациялаш концепцияларининг методологик асосларини ёритиш борасида илмий қарашлар илгари сурилиб, назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотларда мамлакатни демократлаштириш, жамиятни модернизациялашнинг самарали механизмларини яратиш, миллий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда, умуминсоний хислатларни юксалтириш, сиёсий модернизациялаш тузилмаси самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни демократик ислоҳотлар асосида ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнида модернизациялаш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимиға доир кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш механизмлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Бу борада давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, сиёсий модернизациялаш тузилмасини ишлаб чиқиши, жамиятни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан модернизациялаш такомиллашувини сиёсий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хуласаларни ишлаб чиқиши долзарб вазифа хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, «Оммавий ахборот воситалари

тўгрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўгрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиклиги тўгрисида»ги конунлари ва мавзуга оид бошка меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян дараражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараённида миллый, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллый ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллый давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи¹. Жамиятни модернизациялаш механизм ва технологиялари масалалари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий тъзлим муассасалари, жумладан, Peace Research Institute Frankfurt (Германия), Centre of Scientific investigation of Civil Society, Centre International investergate of Oxford University, Cambridge University, The George Washington University (АҚШ), Centre of scientific inestigation of Central Asia, Institute of International Policy Studies, РФ Президенти хузуридаги миллый ва федерал муносабатларни тахлиллаш маркази давлат хизмати Академияси (Россия), Asian Strategy and Leadership Institute (Малайзия), The China Research Center (Хитой), Ўзбекистон Миллый университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (Ўзбекистон) тадқиқот олиб бормоқда.

Жамиятни модернизациялаш концептуал моделларининг сиёсий-фалсафий тахлили масалаларига оид олиб борилган тадқиқотларда кўйидаги илмий натижалар олинган: ижтимоий-сиёсий тараққиётда модернизациянинг мавқеи ва мақоми аниқланган (Institute Gelap for publisher disput, АҚШ, Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society, Германия); жамиятни модернизациялашда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг аҳамияти, миллый тараққиётда модернизациянинг етакчилик роли асосланган (Centre International investergate of Oxford University, Буюк Британия, Centre of scientific inestigation of Central Asia, АҚШ, The China Research Center, Хитой, Institute of International Policy Studies, Япония, Asian Strategy and Leadership Institute, Малайзия); фуқаролик жамияти куришда сиёсий модернизациянинг ўрни ва аҳамияти илмий асосланган, сиёсий модернизация шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари очиб берилган (Ўзбекистон Миллый университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон).

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи <https://www.gwu.edu>, <http://www.hskf.de>, <www.ucentralasia.org>, <www.nu.org>, <www.iips.org>, <www.nira.org>, <www.cbs.dk/en>, <www.leeds.ac.uk/nirc.nanzan.u.ac.jp/en/publications>,<https://ru.wikipedia.org/><https://ru.rags.ru>, <https://ru.dugin.ru>, <www.useoul.edu>, <www.uni-freiburg.de>; <www.csis.org>; <www.iips.org/en/>; <riss.ru>; <www.chinacentre.net>; <www.kisi.kz>; <uzstrateg.info>; <www.ifs.uni-frankfurt.de>; <centralasiaprogram.org>; <www.dba.uz>, <www.uzhistory.uz>, <www.nuu.uz><www.tuit.uz> ва бошка манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда жамиятни модернизациялаш моделлари такомиллашуви бўйича куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси, жамиятнинг трансформациялашувида иктисадий ва маданий соҳаларни уйгушиштириш, модернизациялаш жараённи сиёсий тизимдаги легитим инкиrozлар, глобаллашув шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш, таълим ва модернизация, модернизациялаш ривожида элита ва ўрта синфиning ўрни, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида модернизациялашнинг феноменал ҳолати, анъанавий жамиятларни модернизациялашда ички ва ташки таъсирлар, сиёсий модернизациялаш даврида жамиятда коммуникация, урбанизация, инновацияни тарқатишнинг кучайиши.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамиятни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан модернизациялашнинг назарияси ва амалиёти, эволюцияси, истиқболларини башоратлаш, мазкур жараённи етакчи давлатлар тажрибаси асосида қиёсий тадқик этиш муаммонинг ўрганилганлик даражасига мисол бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Қаримовнинг мамлакатни модернизациялашнинг биринчи назарий асоси бўлган «Ўзбек модели», илмий-методологик маиба сифатидаги асарлари², Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарлари³, хусусан, давлат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасини яшада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси», кенг кўламли ислоҳотлар олиб бориши борасидаги гоялари ушбу тадқиқоттага илмий-методологик асос бўлиб хизмат қиласа, соҳага оид қонун хужжатлари, Президент фармонлари, қарорлари ва бошқа норматив-хукукий хужжатлар тадқиқотнинг услубий базаси бўлиб хизмат қиласи.

Фуқаролик жамияти ва давлат ўзаро муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатлари қадим замонлардаётқ Конфуций, Платон, Аристотель, Сукрот, Цицерон⁴ томонидан ўрганилган. Шарқда Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий каби алломаларнинг асарларида⁵ жамият тарихий ривожланишининг турли босқичларини сиёсий-фалсафий тизимли таҳлил қилиш асосида жамият сиёсий тизимини шакллантириш услугияти, тизимлари ва жараёнлари ривожлантирилган.

Ўрта асрларда Н. Макиавели, Г. Боден, Т. Гоббс, Ж. Локк, Ш. Монтескье, Ж.Ж.Руссо, М. Вебер, И.Кант асарларида⁶ давлат ва жамият муносабатларига доир сиёсий карашлар такомиллаштирилган. XIX-XXI

² Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996 – 2014.

³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фарони, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва нисон манфаатларини таъминлаш – юрт тараккитеи ва ҳаққи фарони ингизигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тертиб-нигизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундаклик конидаси бўлиниси керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Бўյук келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: Ўзбекистон.

⁴ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

⁵ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

⁶ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

асрларга келиб, Фарб назариётчилари М. Леви, С. Липсет, Г. Алмонд, Д. Аптер, С. Блэк, С. Верба, Ш.Эйзенштадт, У. Ростоу, Т. Парсонс, К. Дойч, А. Турен, Г. Спенсер, Э. Хобсбаум, З. Бжезинский; рус олимлари Н.Бердяев, Ф.Бурлацкий, К. Гаджиев, М. Титаренко асарларида⁷ анъанавий жамиятларнинг индустрлашиши натижасида янги давр одамлари онгидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар жараёнининг моҳияти очиб берилган.

Глобаллашув ва давлатлараро ҳалқаро муносабатлар кескинлашуви шароитида демократик жамиятни муайян даражада ривожлантириш ва модернизациялаш, тараққиёт жараёнларини акс эттирувчи моделлар яратиш ва жараённинг фаолият даражаси мезонларини тизимлилик нуктаи назаридан қиёслаш усули билан тадқиқ этиш, бу комплекс жараёнда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги объектив ёки субъектив сабабларга кўра, юзага келадиган таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш оқибатида барқарорликни таъминлаш назариясини яратиш ва уни такомиллаштириш масалалари С. Хантингтон, Ф. Фукуяма, А. Турен, О. Тоффлер, Е. Хейвуд, А. Дугин, Л. Левитин, В. Федотова, Т. Яшковаларнинг тадқиқотларида ёритилган⁸.

Муаммонинг умумназарий хусусиятлари, жумладан, сиёсий модернизация концептуал асослари, Шарқ мамлакатларида жамиятни модернизациялаш моделларини жорий этиш муаммолари тадқиқ этилиб, мустақиллик йилларида Марказий Осиё республикаларидағи сиёсатчи, файласуф ва тарихчи олимлар томонидан сиёсий модернизациялаш, миллий ўзликни англаш муаммоларига багишлиланган асарлар, илмий ва даврий нашрлардаги мақолалар ҳам ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Жамият ижтимоий-сиёсий хаётida модернизация концепцияси ўрни, унинг шаклланиши, ривожланиши, барқарор тараққиёт, анъанавий жамиятни замонавий жамиятга ўтказиб бориш стратегияси, глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик, модернизациялаш ва миллий ўзликни такомиллаштиришга доир ислоҳотлар жараёнларининг турли йўналишлари Р.Жумаев, Ш.Пахрутдинов, Н.Жўраев, А.Қодиров, С.Отамуродов, И.Эргашев, С.Сафоев, А.Сайдов, А.Раҳмонов, Ш.Ғойибназаров, Т.Алимардонов, У.Идиров, В.Кўчкоров ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган⁹.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида миллий гоя, миллий манфаат, миллий ривожланиш, ўтиш даври стратегияси, сиёсий етакчилик муаммолари: жумладан, демократиялашув жараёнларининг концептуал асослари, глобаллашув ва миллат, Марказий Осиёда минтақавий интеграцион муаммоларни бартараф этишда Ўзбекистон омили, ижтимоий-сиёсий хаётнинг демократиялашиши жараённида миллий ўзликни англаш, сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати, сиёсат ва

⁷ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

⁸ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

⁹ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

ахлоқ, ислом жамиятлари модернизацияси, янги индустрлашган давлатлар тараккиётининг сиёсий омилларига бағишенгани бир қатор диссертациялар химоя қилиндики, улар тадқиқотнинг назарий-эмпирик базасини мустаҳкамлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Демократик жараёнларда «Ўзбек модели»нинг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишининг назарий-методологик асослари» (2015-2017) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятни модернизациялаш назарий-методологик асосларининг намоён бўлиш хусусиятларини илмий-назарий тақомиллаштириш юзасидан хуласалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Ҳаракатлар стратегияси» концептуал ғояларига таяниб жамиятни модернизациялашнинг ижтимоий зарурат эканлигини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш асосида модернизациялаш генезиси, сиёсий моҳияти ва хусусияти, шунингдек, унинг обьектлари ва сиёсий мазмуни тавсифини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш механизmlарини (методика, баҳолаш индикаторлари) ишлаб чиқиш;

жамиятнинг ижтимоий, иктисолий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар жараёнида «канъанавий жамият» ва «замонавий модернизациялашган жамият» тушунчаларини аниглаш ҳамда унинг сиёсий мазмунидаги хусусий мулк, билим ва инновация омилиниң устуворлик жиҳатларини асослаб бериш;

Ўзбекистонда давлат+ННТ, давлат ва сиёсий партия, фуқаро+электрон ҳукумат каби ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг бугунги кун талаби асосида тақомиллашиб боришини очиб бериш;

жамиятни модернизациялаш таълимотлари қиёсий таҳлили асосида жаҳондаги «классик», «илдамловчи», «кечикувчи», «қувиб борувчи», «жадаллашган» каби модернизация концептуал моделлари моҳияти ва амалдаги кўллаш механизmlарини очиб бериш;

давлат ва нодавлат ташкилотларининг жамиятни сиёсий бошқарув тизимини мувофиқлаштирувчи конструктив институт сифатидаги самарали ижтимоий фаолиятини тақомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг обьектини жамиятда миллий ижтимоий-сиёсий тараккиётни таъминлаш, жамиятни модернизациялаш тамойилларидан самарали фойдаланиш механизmlарини тақомиллаштириш, сиёсий ислоҳотлар жараёнлари ташкил қиласи.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбекистонда жамият модернизацияси концептуал моделларининг давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларини тақомиллаштиришга доир илмий-назарий қарашлар, ёндашувларнинг сиёсий-фалсафий таҳлилини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуслари. Диссертацияда тарихийлик, мантикийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, анализ, синтез, эмпирик, кузатув, сўров каби тадқиқот усусларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очикилигини жамоатчилик мухокамаси асосида таъминлаш механизмлари (методика, баҳолаш индикаторлари) ишлаб чиқилган;

жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар жараённада «канъанавий жамият» ва «замонавий модернизациялашган жамият» тушунчалари сиёсий мазмунида хусусий мулк, билим ва инновация омилининг устуворлик касб этиши асослаб берилган;

Ўзбекистонда давлат+ННТ, давлат ва сиёсий партия, фуқаро+электрон ҳукумат каби ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини давр талаби асосида тақомиллаштириб бориш мухим ўрин тутиши асосланган;

глобаллашув шароитида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг модернизациялаш жараёнини ривожлантириш вазифалари (эмпирик, стратегик, тизимлилик) трансформациян чақириклар объектив ҳолати таъсирида амалга ошиши ишлаб чиқилган;

давлат ва нодавлат ташкилотларининг жамият сиёсий бошқарув тизимини мувофиқлаштирувчи конструктив институт сифатидаги самарали ижтимоий фаолиятини тақомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши доирасида мамлакатимизни модернизация қилинча парламент ҳамда сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва давлат хизматининг ташкилий-хукукий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини тақомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

маҳаллий бошқарув органлари тизими муаммоларини ҳал этишда давлат бошқаруви органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиш учун таклифлар асослаб берилган;

жамиятни модернизациялаш жараёнини тақомиллаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва таълим тизимининг кенг иштирокини таъминлаш механизмлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилиб, тўпламларда нашр этилганлиги, ОАК рўйхатидаги маҳсус илмий-назарий журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, хуроса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдикланганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот давомида олинган натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари фаолиятида аҳоли иштирокини таъминлаш механизмлари, глобаллашув шароитида халқаро муносабатларни мувоғикаштириш технологияларини ишлаб чиқишида, жамиятни ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий жиҳатдан модернизациялашда америка, швед, немис ва япон моделларини қиёсий ўрганишга доир тадқиқотларда фойдаланиш билан изохланади.

Амалий аҳамияти шундан иборатки, ундан Электрон ҳукумат тузилмаси концептуал моделлари яратилиши, сиёсий партиялар, ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштирища қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинниши.

Жамиятни модернизациялаш концептуал моделларининг сиёсий-фалсафий таҳлили бўйича ишлаб чиқилган амалий таклиф ва асосланган хуласалар асосида:

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини жамоатчилик муҳокамаси асосида таъминлаш механизмлари (методика, баҳолаш индикаторлари) ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараккӣёт дастури (ПРООН) лойихаси томонидан «Маҳаллий бошқарув тизимини модернизациялаш» концепциясини ишлаб чиқишида фойдаланилган (БМТ Тараккӣёт Дастури «Маҳаллий бошқарув тизимини кўллаб-кувватлаш» лойихасининг 2017 йил 23 ноябрдаги 25-11/2017-сон маълумотномаси). Натижада «Маҳаллий бошқарув тизимини модернизация қилиш: халқаро тажриба ва Ўзбекистондаги ислоҳотлар» номли тўплам (2017), тадқиқотчининг «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш механизмлари» (2017) номли услубий кўлланмаси ишлаб чиқилиб, чоп этилган. Мазкур концепция ва услубий кўлланма давлат бошқарувида легаллик, легитимлик, очиқлик, шаффоффлик каби тамойилларга амал қилиш концептуал аҳамият касб этишига хизмат қилган;

жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар жараёнида «анъанавий жамият» ва «замонавий модернизациялашган жамият» тушунчалари сиёсий мазмунида хусусий мулк, билим ва инновация омилининг устуворлик касб этиши асослаб берилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар иттифокининг 2018 йил иш режасидаги ижтимоий-сиёсий тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий

кенгашининг 2019 йил 17 апрелдаги 04-13/1798-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар шахсга йўналганлик, алоҳида мулоқотни кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда давлат+ННТ, давлат ва сиёсий партия, фуқаро+электрон хукумат каби ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини давр талаби асосида такомиллаштириб бориш муҳим ўрин тутиши асосланган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан 2014 йилда «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Конун лойиҳасини жамоат ташкилотларида муҳокама қилиш жараённида фойдаланилган (Олий Мажлис Конунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг 2017 йил 1 ноябрдаги 04/5-06-250-сон маълумотномаси). Мазкур конун давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида самарадорликка эришишга хизмат қилган;

Глобаллашув шароитида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг модернизациялаш жараёнини ривожлантириш вазифалари (эмпирик, стратегик, тизимлилик) трансформацион чакириклар объектив ҳолати таъсирида амалга ошишига оид таклиф ва тавсиялар 2018 йил учун ишлаб чиқилган иш дастурининг «7. Миллий, диний қадриятлар, уларнинг жамият ҳайтига таъсири ва ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мағкуравий ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш усуллари»; «53. Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлардо тутувликни таъминлаш борасида эришган ютуқларни тарғиб қилиш механизмларини ишлаб чиқиши» бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 23 апрелдаги 02/09-406-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ёшлар онгига сиёсий маданият ва диний бағрикенглик ғоясини сингдириш, ижтимоий фаол бўлиш кўникмасини ортиришга хизмат қилган;

Давлат ва нодавлат ташкилотларининг жамиятни сиёсий бошқарув тизими мувофиқлаштирувчи конструктив институт сифатидаги самарали ижтимоий фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илгари сурилган таклифлар «Электрон хукумат» тизими ва давлат интерактив хизматларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги «Электрон хукумат» ўкув марказининг 2019 йил 4 мартағи 1241/01-01-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар узоқ йилларга мўлжалланган миллий ривожланиш концепциясини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро, 20 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола (улардан 17 таси республика, 4 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн икки параграфни ўз таркибига олуви чўртта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 238 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш кисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳакидаги маълумотлар асосланган.

Диссертациянинг «Жамиятни модернизациялашнинг назарий-методологик асослари» деб номланган биринчи бобида «модернизация» тушунчасининг сиёсий мазмуни ва замонавий ёндашувлар, унинг тузилмасининг структуравий-функционал таркиби, жамиятни модернизациялашнинг мезонлари очиб берилган. «Сиёсат», «жамият», «канъанавий жамият», «замонавий модернизациялашган жамият», «сиёсий тизим», «давлат ва нодавлат бирлашмалари» тушунчалари илмий нуктаи назардан таҳлил этилган.

Модернизация сиёсий ҳокимият, унинг тармоқларини, конун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятларини янгилашни ўз ичига қамраб олади. Сиёсий бошқарувни янгилаш негиз масала ҳисобланади. Модернизация назарияси 1950-1960 йилларда дастлаб Т. Парсонс, Р. Мертон томонидан ўрганилган, американлик олимлар С. Липсет, Ф. Ригге, Д. Энгер, Р. Уарт, С. Хантингтон назарияни такомилга етказишган. XX аср 80-йилларида қайта кўрилиб, модернизация ривожланишининг шарти эмас, балки функцияси сифатида тадқиқ этилган ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузилмаларни ўзгариши устувор мақсад қилиб олинган.

Тадқиқотда модернизация «кечичиувчи», «қувиб борувчи», «жадаллашган» каби концептуал моделларининг моҳияти, мақсад-вазифалари ва уларнинг фарқли жиҳатлари тадқиқ этилган. Бу жараён билан боғлиқ кечадиган «глобаллашув», «цивилизация», «миллий ўзлик» «миллий ривожланиш» каби тушунчаларнинг сиёсий-фалсафий жиҳатлари очиб берилган. Айни пайтда, «глобаллашув» жараёни ҳар бир мамлакатда факат иқтисод соҳасигагина эмас, балки жамиятнинг сиёсий тизими ва ҳалқаро муносабатларга таъсир кўрсатувчи кучга айланиб бораётганига эътибор қаратилган.

Диссертацияда энг муҳим масалалардан бири бўлган «анъанавий жамият» ва «замонавий модернизациялашган жамият» тушунчаларига аниқлик киритилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Жамиятларнинг асосий белгилари

Анъанавий жамият белгилари	Замонавий жамият белгилари
Ижтимоий ҳаётни ташкил этиш кўп холларда диний тасаввурларга асосланади	Билим, инновациялар анъаналардан устунлик килади
Ривожланиш боскичли кечади	Ижтимоий ҳаёт дунёвий характерга эга бўлади
Индивидуализм кўринишлари кузатилмайди	Индивидуализм ва инсонларнинг фаоллиги кузатилади.
Жамиятни авторитар ҳокимият бошқаради	Жамият давлат-жамоат ташкилотлари шериклиги асосида бошқарилади
Шахслар фаолиятсиз бўлади	Шахслар фаоллашади. Тадбиркорликка кенг имконият очилади

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир мамлакатда модернизациялаш жараёни жамиятнинг устувор соҳаларида чукур ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади. Натижада, жамиятда анъанавийликдан воз кечиши, эскилил қолдикларига барҳам бериш ва эволюцион ижобий ўзгаришларнинг трансформациялашув жараёнлари кечади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Замонавий модернизациялашган жамиятнинг хусусиятлари

Иқтисодий соҳада	Чукур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилади, меҳнат тақсимоти ўсади, технологиялар такомиллашади, эркин рақобат усули ва тадбиркорлик учун кенг шароит яратилади. Хусусий мулк тизими, инновацион иқтисодиёт ривожланади.
Ижтимоий соҳада	Индивидуализм, элита ва ўрга синфнинг шаклланиши юз беради. Таълимнинг кенг тарқалиши, қасбий маҳорат (профессионализм) кучайиши, интеллектуал маҳсус қассб институтлари шаклланиши, оммавий коммуникациянинг ривожланиши, кенгайиб бораётган ижтимоий маконга мослашиб борувчи янги индивидуал одатлар, кизикишлар жабхасининг кенгайиши, фан ва техникага ишончнинг ошиши ва инсон кадр-кимматига муносабатнинг ўзгариши содир бўлади.
Сиёсий соҳада	Сиёсий партиялар, парламент, сайлов ҳукуки, яширин овоз бериш каби демократик тамоилилар карор топади.
Маънавий соҳада	Маданий табақаланиш, ижтимоий онгда секуляризация, саводхонлик ортиши, илм-фаӣ ва техниканинг кадрията айланиши кузатилади.

Бироқ XX аср иккинчи ярмида демократлашув жараёнларининг Шарқ давлатларига «кўчиши», ҳалқ кенг оммасининг эркинлик ва ошкораликка

тайёр эмаслиги бу жамиятлар олдида янги-янги муаммоларни көлтириб чиқарди. Айниңса, глобаллашув шароитида гарбона қадрият ва эркинликлар миллий чегараларни босиб ўтгандан кейин у мамлакат ичкарисида турли хавф-хатарларни күчайтириди. Бизнинг фикримизча, демократиянинг бир ўзи янги элита, янги эътиқод ва янги дунёвий тартиб орқали жамиятнинг мазмун-моҳиятини, демакки, одамларни тубдан ўзгартира олишга курби етмайди, яъни у миллий мағкуралар тазиикига дош бера олмайди. Россиялик олим Э. Баталовнинг ёзишича, демократия салкам уч минг йиллик тарихида илк марта «глобал кризис»ни бошдан кечира бошлади. Сиёсий фанлар доктори У. Идиров юкоридаги фикрга кўшилган ҳолда, «бу холат нафакат амалиётда, балки назарияда ҳам бир қатор масалаларни қайта кўриб чиқишни тақозо килади», деб ёзди.

Шу билан бир қаторда, модернизациялаш назарияси ва амалиёти, унинг хусусиятлари, мезонларида ҳам олимлар бош котирадиган масалалар кўпайди. Ана шу муаммолардан бири ўтиш даврида сиёсий тизимда содир бўладиган инқирозлар, деб ҳисоблаймиз. Бу жиддий муаммони ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Тадқиқотимиз давомида модернизациялаш даврида кечадиган инқироз босқичлари гурухларга ажратилган ҳолда алоҳида тадқиқ этилди.

Модернизацияда ўхшашлиқ инқирози босқичи. Унда «мамлакат ўз йўлини танлаш чогида миллий ва ҳудудий манфаатларда ихтилоф пайдо бўлади, ижтимоий-синфий бўлиниш миллий жисплашишга таъсир қилади, этник ва субмиллий мансублик зиддиятлари кучаяди».

Модернизацияда легитимлик инқирози босқичи. Сиёсий ҳокимият жамиятдаги гурухларга сиёсий қарорлар қабул қилишга рухсат бермайди, анъанавий институтлар таҳдидга учрайди, жамият билан ҳукумат ўртасида ҳамжihatлик йўколади, фуқаролар қарорлар қабул қилиш жараённида лоқайдликка ўтади, сиёсий ҳокимият учун курашда ракобат кучаяди, омманинг сиёсий пассивлиги, ҳукмрон элитанинг сиёсий салтанатини сақлаб қолишга қодир эмаслиги намоён бўлади.

Модернизацияда шериклик инқирози босқичи. Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараённига рухсат олишга манфаатдор гурухларнинг сони ошади, шериклар сиёсий ҳокимият учун курашни күчайтиради, манфаатдор гурухларнинг жамиятда ўрнини тополмагани оқибатида, сиёсий тизимнинг ривожи сустлашади, мухолифат гурухларнинг кескин радикаллашув жараёни юз беради, булар эса сиёсий бекарорликка олиб келади. Бундай вазиятда элитанинг сиёсий мухолифатга муносабатини тартибга солувчи уч холат кўриб чиқилади: биринчиси, куч ишлатиш йўли билан мухолифатга оммавий босим ўтказиш (Пиночет даврида Чилидаги воқеалар); иккинчиси, мухолифатни қонун доирасида эътироф этиш; учинчиси, нафакат мухолифатни «де-юре» тарзида тан олиш, балки у билан биргаликда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараённида иштирок этиш.

Модернизацияда сингувчанлик инқирози босқичи. Давлат бошқаруви ресурслари пасайиб кетиши оқибатида ижтимоий соҳага кўрсатмаларни сингдириши қийин кечади ва жамиятнинг табақалашши кучаяди.

Модернизацияда тақсимот инқирози босқичи. Бошқарувчи элитанинг жамият моддий фаровонлигини ошириш ва ресурсларни тақсимлашга қодир эмаслиги аён бўлади. Масалан, Лотин Америкасида жамиятнинг маргиналлашуви кучли мулкий табақалашувни келтириб чиқариши оқибатида Бразилия, Чилида камбағаллар сони ва улушининг қисқариши Мексика ва Венесуэлада мулқорларнинг ортиб бориши эвазига ёпилмоқда.

Аммо барча глобал муаммоларда бўлгани каби, модернизациялашда ҳам назария ва амалиёт уйгуниллигига эришиш бирмунча қийин кечади. Жамият хаётида кутилмаганда содир бўладиган инқирозлар мамлакатдаги сиёсий жараён ва миллий тараккиётга таъсир ўтказади. Айниқса, мамлакат фуқароларининг сиёсий тайёргарлик даражаси, миллий онги, маданияти ҳисобга олинмасдан бошланган демократик ислоҳотларда янги муаммолар, ижтимоий инқирозлар содир бўлиши кузатилади. Мазкур объектив ҳолатни Араб, Африка давлатларида 2005-2019 йиллардаги воқеалар мисолида яққол кўрамиз. Мисол учун, Лотин Америкаси мамлакатлари (Аргентина, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Гаити, Гватемала, Гондурас, Колумбия, Куба, Мексика, Чили ва бошқалар, жами 33 та давлат)да жамиятни модернизациялаш жараёни бошланганига юз йилдан ошган бўлса-да, кутилган иқтисодий-сиёсий натижага эришилмади. Айниқса, жамиятда ижтимоий табақалашув, бойлар ва камбағаллар ўргасида фарклар нисбатининг кучайиши катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Лотин Америкаси жамиятларини таҳлил қилган россиялик олим А. Подберезкин ёзганидек, эндиликда касаба ўюшмалари ўз позициясини бўшатиб бермоқда, ўрга синф қисқариб кетмоқда, йирик шаҳарларда ишсизлар сони кўпайиб, кора бизнес жиноятчилик зиналаридан таъкиб қилмоқда. Молиявий бозорни либераллаштириш «енгил» йўл билан топилган пулларнинг муомала кўламини кўпайтириб, коррупция ва қаллоблик учун имкониятларни яратиб бермоқда. Булардан келиб чиқиб, ўлим, талончилик каби шахсга қарши қаратилган жиноятчилик ошибиб кетди, деган холосага келади олим. Айрим ривожлананаётган давлатларда молиявий секторнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, ортиқча жамғармаларнинг иқтисодиётдаги тақчилликни ёпишга сарфланганлиги янги инқирозларни вужудга келтирмоқда. Шунингдек, Европа Иттифоқида (ЕИ) 2001-2008 йилларда молиявий бозор ва банк тизимининг ўта либераллаштирилиши улкан ҳудудда молиявий инқирозга сабаб бўлди.

Юқоридаги сиёсий назария ва ёндашувларнинг илмий таҳлили асосида модернизациянинг ички моҳияти, максади ва имконияти очиб берилди:

биринчиси, тарихий воқеликдаги мавжуд ҳолат замонавий ҳаёт тарзига мос келмаслиги сабабли модернизация жараёни бошланади, аммо жамият сиёсий тизимида ислоҳотларни амалга оширишда комплекс ёндашув талаб этилади;

иккинчиси, анъанавий жамият давлат ва нодавлат ташкилотлари мазкур жараёнга киришганда, объектив омиллар, иқтисодий шарт-шароитлар, сиёсий ресурслар ва халкнинг менталитети эътиборга олинади;

учинчиси, жамият модернизациясида шахс, жамият ва давлат ҳаётининг маълум бир соҳасигина эмас, балки сиёсий ҳокимият ва жамият сиёсий тизими тўлалигича янги асосга курилади.

Демак, жамиятни модернизациялаш жараёни учта босқичда кечади: биринчи босқичда ўрта синф шаклланиши, ўсиши ва анъанавий институтларнинг трансформацияси юз беради; иккинчи босқичда жамиятда коммуникация, урбанизация, инновацияни тарқатиш жараёнлари тезлашади; учинчи босқичда трансформацияни тизимли давом эттириш натижасида “postmodernity” (постмодернити) деган фаровон жамият шаклланади.

Модернизация жараёнларини шакллантириш учун ҳар бир мамлакатда унга шарт-шароит тугдирадиган омилларни ҳисобга олиш лозим. Булар куйидагилар:

хукуқий омил: фуқароларнинг хукуқий онги ва сиёсий маданиятини тарбиялашга хизмат килувчи тизим (оила, мактаб, олий ва ўрта маҳсус таълим) даражаси модернизациянинг самарадорлигига ижобий ёки салбий таъсир этади. Чунки хукуқий масалаларни яхши билиш фуқаронинг фаоллашуви ва ижтимоийлашуви олиб келади. Модернизациялашда аҳолининг сиёсий онги, маданияти, бозор иқтисоди, демократиянинг асосий тушунча ва тамойилларини қабул қилишга тайёргарлик даражаси етакчи роль ўйнайди;

иктисодий омил: XVII асрда Европадаги саноат инқилоби иктиносидиётни ривожлантириб, жамият фуқароларининг турмуш тарзини яхшилади. АҚШ, Европа мамлакатларидан техника ва технологияларнинг Осиё ва Африка давлатларига «экспорт» қилиниши ҳам аста-секинлик билан бу ўлкаларга ғарбона яшаш тарзини сингдира бошлади;

маънавий-ахлоқий омил: сиёсий ҳокимият тизимида модернизациялаш ижобий ҳодиса ҳисобланади. Аммо маданият ва маърифат соҳасида у миллий қадриялар, анъана ва урф-одатларнинг бузилишига олиб келади.

Биринчи бобнинг якуннда куйидаги хулосалар чиқарилди:

биринчидан, бугунги кунда жамият модернизацияси миллий ривожланишини хоҳлаган давлатлар учун объектив зарурят бўлиб, модернизациясиз тараққиётга эришиб бўлмайди;

иккинчидан, модернизациялаш жараённида, биринчи навбатда сиёсий ҳокимият, бошқарув тизими ўзгаради, иктиносий-ижтимоий соҳада ислоҳотлар чукурлашади, халкнинг онгида сиёсий тафаккур ва янгича турмуш тарзи шаклланиб боради;

учинчидан, сиёсий модернизация давлат ва жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, иктиносий, маънавий тизимларига очиклик, шаффофлик, плюрализм каби демократик мезонларни олиб киради. Жамият ва давлат муносабатларида соглом рух, соглом фикр ва бирдамлик руҳи такомиллашади.

Диссертациянинг «Жамиятни модернизациялашнинг асосий тамойиллари ва мезонлари» деб номланган иккинчи бобида Фарб ва Шарқ алломаларининг одилона жамият куриш гоялари, илмий қараашлари, сиёсий таълимотлари қиёсий ҳолда кўриб чиқилган, бошқарувда қонун ва адолат устуворлигига эътибор қаратилган.

Тадқиқотда жамиятни модернизациялашнинг концепциялари тўртта гурухга бўлиб ўрганилди:

1. Классик концепция XX аср иккинчи ярмида ривожланаётган давлатларга амалий ёрдам бериш дастури асосида туғилди. Лекин аграр жамиятни индустрлашган жамиятга трансформациялаш жараённида тўпланиб қолган муаммолар кўплиги сабабли, у ижтимоий-фалсафий жиҳатдан қайта комплекс тадқиқ қилишни кутиб турибди. Жумладан, классик концепциянинг хозирги ҳолатини танқидий таҳлил килган С. Круук, Ж. Пакульски, М. Вотерс, В. Пантин, В. Лапкин, Н. Лапин ва В. Цапфлар бир қатор ечилмаган муаммоларни кўтариб, глобаллашув шароитидаги модернизациялаш тавсифларини тажриба (эмпирик) тарзида ўрганиш лозимлигини кайд этишиди.

2. Замонавий концепция кўпроқ Европа давлатларига хос бўлиб, у, асосан, билим, инновация ва технологияларга асосланади.

3. Ноанъанавий концепцияда умуминсоний қадриятлар билан анъанавий қадриятлар уйғуллашуви натижасида консенсусга эришилади. XX аср 80-йилларида Жануби-шаркий Осиё мамлакатлари шу йўлдан бориб, иқтисодий ривожланишда мўъжиза яратишиди.

4. Анъанавий концепцияга XX асрнинг 70-80-йилларида “учинчи дунё”нинг сиёсий элитаси ва диний лидерлари томонидан унга нисбатан танқид кучайди. Жумладан, И. Валлерстайн “жаҳон тизимлари таҳлили» методологияси, шунингдек, С. Амин, П. Вускович каби олимларнинг либерализмни тарғиб қилишга доир асарларида ушбу масала ёритилди.

XX асрнинг 90-йилларида социализмнинг инқизозга учраши, Жануби-шаркий Осиёда эркин бозор сиёсатига ўтилиши боис, жамият сиёсий тизимида ижобий силжишлар кузатилгани модернизациялаш назарияларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жумладан, француз олими А. Турен фанга “контрмодернизация» тушунчасини олиб кирди. У масалага ҳар томонлама комплекс ёндашилмаганлигини танқид қиласди, собиқ СССР, Хитой ва Шаркий Европа давлатларининг “социалистик» модели назарий-фалсафий жиҳатдан тўлиқ ишланмаганлигига эътибор қаратади. Социалистик модель олтига жиҳати билан ажralиб турган: 1) давлат жамиятнинг барча тармоқларини назорат қиласди; 2) жамиятда жамоавий рух ҳукмрон бўлади; 3) жамоа мулки сақлаб қолинади, хусусий мулкка эгалик тақиқланади; 4) шахс сиёсий онги, фикрлаш тарзи ижтимоий тизимнинг бир кичик музвати сифатида шаклланади; 5) марксистик мағфура жамиятга сингдирилади; 6) сиёсий плюрализм, ўз фикрини эркин ифодалашга йўл қўйилмайди. Демак, шахс ва жамият манфаати давлат манфаатига тўлиқ бўйсундирилганига гувоҳ бўламиз.

